

## Эркак беморга қараш мумкинми

08:37 / 19.12.2018 2794

Ассалому алайкум! Қайнотам 65 ёшда, касал инфаркт, инсулт ўтказганлар, буйраклари ҳам касал. Хуллас қайнотам қиш келиши билан бизникига келадилар. 2 ўғил ҳам Тошкентда. Саволим: Қайнота келинларга маҳрамми? Биз келинлар баъзида иштонларигача алмаштирамыз (ўғиллар ишда) бўйинлари қотиб қолади массаж қиламыз, ман врачман орқа яъни думбаларига укол қиламан. Шу ишларимиз тўғрими? Овсиним 2 хонали уйда туради, баъзида қайнота билан бир хонада ухлашга тўғри келади, қизимдай дейдилар тўғрими? Ич кийимларини ўзимиз ювамыз, бу қанчалик тўғри? Саволимни ойдинлаштириш учун 2 ўғилдан ташқари 3та қизлари ҳам бор, қайнонамиз ўтганлар, лекин 15 йилдан бери бирга яшайдиган хотинлари бор. Хотини қарашни хохламайди. Шу масалаларга ойдинлик киритсангизлар.

### "Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Қайнота келинган маҳрам, чунки [Аллоҳ](#) таоло Қуръони каримда “Ўғилларингизни хотини сизларга маҳрам” деб зикр қилган. Лекин бунчалик бемалолчилик тўғри эмас. Хотинини қарашга тарғиб қилинглари, ҳадялар беринглари, лекин авратини кўришларингиз жоиз эмас. Валлоҳу аълам!